

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.FiL/Ped.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

КЕНЖАЕВ АВАЗ ЛАТИПОВИЧ

**А.С.ПУШКИН РОМАНТИК ПОЭМАЛАРИ ЎЗБЕК ТИЛИДА
(таржимада лингвопоэтик таҳлил масаласи)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

УДК 4 рус.
КБК 81.2 – 7 рус.
К 33

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Кенжаев Аваз Латипович

А.С.Пушкин романтик поэмалари ўзбек тилида (таржимада лингвопоэтик таҳлил масаласи) 3

Кенжаев Аваз Латипович

Романтические поэмы А.С.Пушкина на узбекском языке (проблема лингвопоэтического анализа в переводах)27

Kenjayev Avaz Latipovich

Romantic poems of A.S.Pushkin in the uzbek language (the problem of linguoepic analysis in translation)..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....58

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.FiL/Ped.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

КЕНЖАЕВ АВАЗ ЛАТИПОВИЧ

**А.С.ПУШКИН РОМАНТИК ПОЭМАЛАРИ ЎЗБЕК ТИЛИДА
(таржимада лингвопоэтик таҳлил масаласи)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Fil 335 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.samdchti.uz ҳамда “Ziyonet” Ахборот-таълим порталида www.ziyonet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Холбеков Муҳаммаджон Нурқосимович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қаршибаева Улжан Давировна
филология фанлари доктори, профессор в.б.

Ширинова Раима Ҳакимовна
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 рақамли Илмий кенгашнинг «11» август 2020 йил соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 233-78-43; факс: (99866) 210-00-18; e-mail: info@samdchti.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат чет тиллар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 233-78-43.

Диссертация автореферати 2020 йил «29» июл куни тарқатилди.
(2020 йил «29» июл даги № 1 рақамли реестр баённомаси).



И.М.Тухтасинов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, доцент

А.А.Яхшиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, филол.ф.н., доцент

Н.Қ.Турниёзов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида муайян давр адабиётида муҳим ўрин тутган, ўзига хос ёрқин ижод услубига эга бўлган, жумладан, XIX аср бошларида рус адабиётида шаклланган романтизм оқимининг йирик вакилларида бири ҳисобланган А.С.Пушкин асарларининг бадиий-эстетик оламини ўрганиш ҳамда уларнинг дунё халқлари бадиий тафаккури тарихидаги аҳамиятини очиқ бериш бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Жаҳон адабиётининг тараққий этишида таржима қулай восита, миллий адабиётларнинг ривожланишида асосий ҳаракатга келтирувчи кучлардан бирига айланиб бормоқда. Чунки, ўзга адабиёт намуналари билан миллий адабиётимизни бойитишда, ёш авлодни ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялашда таржима асарларнинг аҳамияти беқиёс. Миллий баркамоллик даражасини таржимачилик ривожига қараб ҳам белгилаш мумкин.

Дунё адабиётшунослиги илм-фаннинг ҳозирги тараққиёт босқичида бадиий асарга турли методологиялар асосида ёндашишга, айниқса, таржима асарларда аслият бадиий оламини, ғоясини, поэтикасини қайта яратилишининг лингвомаданий ҳамда лингвопоэтик жиҳатдан таҳлил этилишига, уларнинг жамият маънавий ҳаётига кўрсатадиган эстетик таъсирини белгилашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ҳар жиҳатдан ўзгарувчан воқеликнинг ўзи бадиий асарлардаги ҳали очилмаган қирраларни мушоҳада қилиш кераклигини, таржима асарларда аслият поэтикасининг қайта тикланишини таҳлил этилишини шарт қилиб қўймоқда. Дунё халқларининг миллий маданияти, анъаналари, урф-одатлари, дунёқараши, ҳаётни англаш фалсафаси, бадиий тафаккури, қолаверса, яшаш тарзи ҳақида тасаввур ҳосил қилишда таржима асарлари муҳим аҳамият касб этади. Уларни илмий тадқиқ қилиш – таржимашуносликнинг энг долзарб вазибаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 28 йиллиги арафасида Ўзбекистон моддий ва маънавий меросини асраш ва уни бутун дунёга намойиш этиш бўйича халқаро анжуманлар ҳафталиги бўлиб ўтди. Бу халқаро конференцияда дунёнинг жуда кўп мамлакатларидан 300 га яқин шарқшунос, маданиятшунос олимлар қатнашдилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “...маданият соҳасида жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёшларимизни ҳақиқий санъатни англашга ўргатиш, уларнинг эстетик оламини соғлом асосда шакллантириш бўйича олдимизда жуда муҳим вазибалар турибди”.¹ Ёш авлодга ҳақиқий санъатни англантишда энг кучли воситалардан бири илмий ва бадиий таржима асарларидир. Жаҳон шеърини дурдоналарини, Данте, Петрарка, Шекспир, Байрон, Гёте, Пушкин асарларини тўлиқ ва етук

¹ Шавкат Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-том. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир.. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 196 б.

таржима қила олган халқлар илғор халқлар қаторида туради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ – 4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ – 2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2018 йил 5 июндаги ПҚ – 3775-сонли “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ – 5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.²

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. XX асрнинг биринчи чорагида пайдо бўлган таржима назарияси фанининг тадрижий тараққиёти давомида таржима матнларни лингвопоэтика нуқтаи назаридан мақсадли тарзда ўрганишга эътибор берилмаган. Ўтган асрнинг 50-йиллари бошига келиб А.А.Реформатскийнинг “Лингвистические вопросы перевода”³, А.В.Федоровнинг “Введение в теорию перевода”⁴, И.А.Кашкиннинг “В борьбе за реалистический перевод”⁵ номли таржима назариясини фан сифатида вазифаларини белгилаб берган илмий асарларида мазкур тадқиқотимиз предметига ишоралар мавжуд. Шунингдек, дастлаб В.М.Жирмунский, В.В.Виноградов, М.Бахтин, Б.В.Томашевский, Ю.Борев, Е.Маймин, В.Я.Задорнова каби адабиёт назариётчилари, сўнгра С.Иванов, К.Чуковский, Е.Эткинд, Г.Гачечиладзе, Л.Мкртчян, Ж.Шарипов, Ғ.Саломов,

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ – 4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи газетаси, № 28 (6722), 2017 йил, 8 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ – 2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // Халқ сўзи газетаси, № 79 (6773), 2017 йил, 21 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 05 июндаги ПҚ – 3775-сонли “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори // Халқ сўзи газетаси, № 89, 2018 йил, 06 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 08 октябрдаги ПФ – 5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи газетаси, № 128 (6921), 2019 йил, 09 октябрь.

³ Реформатский А.А. Лингвистические вопросы перевода // Иностранные языки в школе. – М. 1952. – 64 с.

⁴ Федоров А.В. Введение в теорию перевода. – М.: “Наука”. 1953. – 322 с.

⁵ Кашкин И. В борьбе за реалистический перевод // “Вопросы художественного перевода”. – М.: 1955. – 464 с.

Н.Владимирова, Қ.Мусаев, М.Холбеков, Ш.Сафаров, Ш.Турдиев, С.Мели ва бошқа олимлар маълум даражада ушбу муаммога ўз даврида тўхталиб ўтишган.⁶

Ғарбий Европа адабиёти тадқиқотчиси У.Қаршибаевнинг “XIX аср француз романтизм насрининг поэтик хусусиятлари” номли монографиясида Ф.Шатобриан ва В.Гюго ижодининг романтизмга хос поэтикаси тарихий ва лингвопоэтик таҳлил қилинган.⁷ А.С.Пушкин шеърий ва драматик асарларининг ўзбек тилига қилинган таржималари тадқиқотчи Х.Маматовнинг “Переводческое мастерство поэтессы Зульфии”⁸ ҳамда Т.Рахимовнинг “Чўлпоннинг таржимонлик маҳорати (А.С.Пушкиннинг шеърий ва драматик асарлари таржималари мисолида)”⁹ мавзусидаги номзодлик диссертацияларида қиёсий таҳлил этилган. Унинг романтик поэмаларининг ўзбек тилига қилинган таржималарини лингвопоэтик тадқиқ этиш масаласи етарлича ўрганилмасдан қолмоқда.

Пушкин ижоди – бу жаҳон шеъриятида бутун бошли романтик мактабнинг дурдоналарини ташкил этади. Романтик руҳдаги поэмалар шоир ижодида ўта муҳим аҳамият касб этувчи юксак бадиият ва улкан бадиий комиллик ҳосиласидир. Биз бу поэмаларни ўзбек тилига таржималари ҳақдаги ишимизда мумтоз шарқ адабиётида романтизм руҳидаги дурдона асарлар мавжуд бўлганлигини таъкидламоғимиз жоиз. Романтик поэма жанр сифатида Шарқ мумтоз шеъриятида (Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Саъдий, Лутфий, Навоий ва бошқалар) қадимга бориб тақалувчи анъаналарга эга. Шу боис Абдулҳамид Чўлпон, Ҳамид Олимжон, Усмон Носир, Миртемир, Асқад Мухтор, Ҳамид Ғулом, Эркин Воҳидов, Рамз Бобожон, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Муҳаммад Али ва бошқа кўплаб

⁶ Жирмунский В.М. Байрон и Пушкин. – Л.: “Наука”, 1978. – 404 с.; Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. – М.: “Искусство”, 1979. – 424 с.; Виноградов В.В. Стилистика, теория поэтической речи, поэтика. – М.: Изд-во Акад. наук СССР, 1963. – 259 с.; Томашевский Б.В. Теория литературы. Поэтика: Учеб.пособие. – М.: Аспект Пресс, 1999. – 334 с.; Борев Ю. Эстетика. – М.: “Искусство”, 2006. – 511 с.; Задорнова В.Я. Лингвопоэтика. Слово в художественном тексте. – М.: МАКС-ПРЕСС, 2005. Вып. 29. – 160-168 с.; Иванов С. О переводе произведений Пушкина на узбекский язык. Сб. Сов-я тюркология, Баку: 1973, № 3; Чуковский К.И. Высокое искусство. Принципы художественного перевода. – М.: Азбука, 2019. – 384 с.; Эткинд Е. Мастера русского поэтического перевода. – Л.: Советский писатель, 1968. – 529 с.; Гачечиладзе Г. Художественный перевод и литературные взаимосвязи. – М.: Советский писатель, 1980. – 256 с.; Маймин Е.А. О русском романтизме. – М.: Просвещение, 1975. – 240 с.; Мкртчян Л. Поэзия в переводе. Сб. “Мастерство перевода”. – М.: Советский писатель, 1970. – 262-275 с.; Султанов И. Пушкин и узбекская литература. Журнал “Звезда Востока”, 1949, №6. – 92-95 с.; Саломов Ф. Таржима назариясига кириш. Дарслик. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1978. – 255 б.; Саломов Ф. Тил ва таржима. – Тошкент, “Ўқитувчи”, 1983. – 220 б.; Шарипов Ж. Ўзбекистонда таржима тарихидан. – Тошкент, “Фан”, 1965. – 484 б.; Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: “Фан”, 2005. – 117 б.; Владимирова Н.В. Некоторые вопросы художественного перевода с русского на узбекский язык. – Т.: “Фан”, 1957. – 142 с.; Холбеков М. Жаҳон таржимачилиги анъаналари. – Тошкент: “Наврўз”, 2016. – 116 б.; Сафаров Ш. Таржимашуносликнинг когнитив асослари. – Т.: “Наврўз” нашриёти ДУК, 2019. – 300 б.; Ш.Турдиев. Из истории узбекской пушкинианы // Пушкин в Узбекистане. Сб.статей. – Т.: – 1999. – 15-26 с.; Мелиев С. Вселенская душа Пушкина (От “Подражания Корану” к “Пророку”) // Пушкин в Узбекистане. Сб.статей. – Т.: – 1999. – 122-127 с.

⁷ Қаршибаева У.Д. XIX аср француз романтизми насрининг поэтик хусусиятлари. – Т.: “Мумтоз сўз”, 2013. – 120 б.

⁸ Маматова Х.Н. Переводческое мастерство поэтессы Зульфии. Автореф. дисс. на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Т.: – 1980. – 20 с.

⁹ Рахимов Т.А. Чўлпоннинг таржимонлик маҳорати (А.С.Пушкиннинг шеърий ва драматик асарлари таржималари мисолида). Филол.фанлари номзоди ... дисс. автореф. –Т.: – 1993. – 28 б.

Ўзбек шоирлари Россия ҳамда Ғарбий Европа романтизм шеъриятини таржима қилиш жараёнида А.С.Пушкин ижодининг маънавий оламини чуқур ҳис этишган, муайян бадиий маҳорат ва тарихий тажриба мактабини ўташган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Самарқанд давлат чет тиллар институти “Тил, маданият, таржима ва мулоқот муаммолари” мавзусидаги илмий-тадқиқот режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади А.С.Пушкиннинг романтик поэмаларини (“Кавказ асири”, “Бокчасарой фонтани”, “Сув париси” “Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак”, “Олтин хўроз ҳақида эртак”) ўзбек тилига қилинган таржималарининг лингвопоэтик таҳлилини амалга ошириш ва бу таржималарни тарихий-қиёсий планда ўрганиш, муаллиф услубининг ўзига хос белгилари, поэтик матннинг асосий лексик ва стилистик хусусиятлари, унинг қофия тизими, ритми ва интонацион хусусиятларининг ўзига хослигини, аслият поэтикасини ўзбек тилига таржимада сақлаш муаммосини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ ва талқин этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

А.С.Пушкиннинг романтизм руҳи билан суғорилган поэмалари матнининг поэтик хусусиятлари ўзбек шоир-таржимонлари томонидан теран англаниб, ўзлаштирилиб ўзбек тилида қайта тикланганлигини таҳлил қилиш;

романтик поэмага хос бўлган хусусиятлар шоир-таржимон учун катта қийинчиликлар туғдиришини кўрсатиб бериш;

шеърий асарнинг адекват ва эквиритмик (муқобил вазндаги) вариантларини яратиш учун таржимондан ёрқин шоирона қобилият талаб этилишини очиб бериш;

дунёни романтик руҳда идрок этиш, шоирлар ҳаётнинг абадий муаммоларига мурожаат қилишлари вақт ўтиши билан эскирмаслиги, балки шахснинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан юксалиб боришига замин яратиши, юксак маънога эга бўлиб бориши каби романтизм шеъриятининг олий фазилатлари таржимада қай тарзда ўз ифодасини топганлигини лингвопоэтик ҳамда қиёсий таҳлил асносида тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти. А.С.Пушкиннинг “Кавказ асири”, “Бокчасарой фонтани”, “Сув париси” романтик поэмалари ҳамда “Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак”, “Олтин хўроз ҳақида эртак” романтик руҳдаги эртак-поэмалари ва уларнинг ўзбек тилига Али Асқар Калинин, Усмон Носир, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Ҳамид Ғулом, Рамз Бобожон томонидан қилинган таржималари тадқиқотимиз объекти бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг предметини XIX аср биринчи ярмида рус адабиётида шакллланган романтизмга хос А.С.Пушкин асарларининг ўзбек тилига қилинган таржималарида аслият поэтикасини қайта тиклашнинг ўзига хос жиҳатларининг қиёсий таҳлили ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, лингвопоэтик, герменевтик ва матн таҳлили усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мазкур диссертацияда А.С.Пушкин романтик поэмаларининг ўзбек тилига таржималари замонавий ўзбек назарий адабиётшунослигида кечаётган жараёнлар доирасида ўрганиб чиқилган;

ўзбек шоир-таржимонлари Али Асқар Калинин, Миртемир (“Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак”), Ҳамид Олимжон (“Кавказ асири”, “Сув париси”), Усмон Носир, Ҳамид Ғулом (“Бокчасарой фонтани”), Рамз Бобожонларнинг (“Олтин хўроз ҳақида эртак”) таржималари лингвопоэтик жиҳатдан таҳлил этилган;

таҳлил жараёнида романтизм услубига хос табиат ва шахснинг романтик олами, эҳтирослари, шодонлиги ва қайғу-ҳасратлари, руҳиятнинг яширин қатламлари, ҳайратомуз ҳодисалар таржималарда қай тарзда қайта яратилганлиги кузатилган;

аслият ва талқин, аслият ва идрок таржиманинг поэтик маҳорат кўзгусида яхлит баҳоланиб, ғайрилисоний воситалар таржимаси қиёсий-типологик ва лингвопоэтик аснода ўрганиб чиқилган;

мавзу доирасида А.С.Пушкиннинг инглиз шоири Жон Мильтон ҳақидаги мақоласи, Америка романтик адиби Вашингтон Ирвингнинг “Араб мунажжими ривояти” новелласи, Проспер Мерименинг “Александр Пушкин” мақоласи биринчи марта ўзбек адабиётшунослигида илмий муомалага киритилган;

романтизм руҳидаги поэмага хос бўлган хусусиятлар шоир-таржимон учун катта қийинчиликлар туғдириши таҳлил жараёнида кўрсатиб берилган;

шеърӣ асарнинг адекват ва эквиритмик (муқобил вазндаги) вариантларини яратиш учун таржимондан ёрқин шоирона қобилият талаб этилиши очиб берилган;

дунёни романтик руҳда идрок этиш, шоирлар ҳаётнинг абадий муаммоларига мурожаат қилишлари вақт ўтиши билан эскирмаслиги, балки шахснинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан юксалиб боришига замин яратиши, юксак маънога эга бўлиб бориши каби романтизм шеърӣятининг олий фазилатлари таржимада қай тарзда ўз ифодасини топганлиги лингвопоэтик ҳамда қиёсий таҳлил асносида тадқиқ этилган;

Пушкин романтик поэмалари таржималари амалиётининг эволюцион тараққиёти давомидаги ютуқ ва камчиликлар ёритилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

диссертацияда ўзбек шоир-таржимонлари Али Асқар Калинин, Миртемир (“Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак”), Ҳамид Олимжон (“Кавказ асири”, “Сув париси”), Усмон Носир, Ҳамид Ғулом (“Бокчасарой фонтани”), Рамз Бобожон (“Олтин хўроз ҳақида эртак”)ларнинг бадий таржимонлик маҳорати, ғайрилисоний воситалар таржимаси қиёсий-типологик ва лингвопоэтик аснода ўрганилиши, тадқиқот доирасида А.С.Пушкиннинг инглиз шоири Жон Мильтон ҳақидаги мақоласи, Америка романтик адиби

Вашингтон Ирвингнинг “Араб мунажжими ривояти” новелласи, Проспер Мерименинг “Александр Пушкин” мақоласи биринчи марта ўзбек адабиётшунослигида илмий муомалага киритилиши, А.С.Пушкин романтик поэмаларининг поэтик хусусиятлари ўзбек шоир ва таржимонлари томонидан ўзбек тилида қайта тикланганлигининг қиёсий-типологик усулда таҳлил қилиниши, романтизм руҳидаги поэмага хос бўлган хусусиятлар шоир-таржимон учун катта қийинчиликларни туғдириши, шеъринг асарнинг адекват ва эквиритмик (муқобил вазндаги) вариантларини яратиш учун таржимондан ёрқин шоирона қобилият талаб этилишининг очиб берилиши, дунёни романтик руҳда идрок этиш, шоирлар ҳаётнинг абадий муаммоларига мурожаат қилишлари вақт ўтиши билан эскирмаслиги, балки шахснинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан юксалиб боришига замин яратиши, юксак маънога эга бўлиб бориши каби романтизм шеърининг олий фазилатлари таржимада қай тарзда ўз ифодасини топганлигини лингвопоэтик ҳамда қиёсий таҳлил асносида тадқиқ этилиши адабиёт назарияси билан боғлиқ тадқиқотлар ва методик ишлар яратишда қўл келиши далилланган;

А.С.Пушкин романтик поэмаларининг ўзбек тилига қилинган таржималарининг лингвопоэтик таҳлили тадқиқининг бугунги кун ёшлари илмий дунёқараши ва бадиий тафаккурини янада ривожлантиришга хизмат қилиши ҳамда буюк рус шоири ижоди ва ўзбек шоир-таржимонлар адабий меросининг беқиёс аҳамияти очиб берилган;

А.С.Пушкин ижодининг ўзбек адабиётига таъсири, хусусан, унинг романтик поэмаларининг ўзбек тилига қилинган таржималарининг лингвопоэтик жиҳатдан таҳлил этилиши, қўйилган муаммоларни тадқиқ этиш натижасида чиқарилган хулоса ва умумлаштирилган фикрлар ўзбек адабиёти учун энг муҳим зарурий, илмий маълумот бериши, таржимашунослик бўйича тадқиқотлар яратишда манба бўлиб хизмат қилиши, таржима назарияси ва амалиёти, адабиёт фанларини ўқитишда амалий жиҳатдан ёрдам бериши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот юзасидан чиқарилган хулосаларнинг ўрганилаётган давр тарихий-бадиий воқелигига ҳамда илмий кузатувнинг тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик ва матн таҳлили усуллари асосланганлиги, муаммонинг аниқ қўйилганлиги, А.С.Пушкин романтик поэмалари ва уларнинг Али Асқар Калинин, Усмон Носир, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Ҳамид Ғулом, Рамз Бобожонлар томонидан қилинган таржималари, шунингдек, илмий адабиётларга таянилгани, хулоса, тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация мазмуни ва кўзда тутилган назарий хулосалар келажакда “Жаҳон адабиёти”, “Қиёсий адабиётшунослик”, “XIX аср Европа адабиёти тарихи”, “Рус романтизм шеърининг тарихи” ва “Таржима назариясининг лингвистик муаммолари” курсларидан маъруза ва семинар машғулотлари жараёнида

фойдаланиш, шунингдек, таржима амалиёти билан шуғулланувчи ёш мутахассисларга йўриқнома вазифасини ўташи мумкин.

Тадқиқот натижалари илмий материалларидан таржима назарияси ва амалиёти, матншунослик ва қиёсий адабиётшунослик асослари учун дастурлар, дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда, махсус курс ва семинар машғулотларини ташкил қилишда материал ва услубий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. А.С.Пушкин романтик поэмаларининг ўзбек тилига қилинган таржималарини лингвопоэтик жиҳатдан таҳлил этиш жараёнида олинган илмий натижалар асосида:

диссертация тадқиқоти натижаларидан, хусусан, А.С.Пушкин “Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак”, “Олтин хўроз ҳақида эртак” эртак-поэмалари ва “Сув париси”, “Кавказ асири”, “Боқчасарой фонтани” романтик поэмаларини ўзбек тилига қилинган таржималарининг лингвистик ҳамда поэтик таҳлиliga доир материаллардан Ўзбекистон рус маданий маркази томонидан рус тили фани ўқитувчиларининг малакасини ошириш юзасидан ташкил этилган илмий семинар давомида фойдаланилган (Ўзбекистон рус маданий марказининг 2019 йил 20 декабрдаги 02-210-сон маълумотномаси). Олинган амалий натижалар тингловчиларда рус ва ўзбек бадиий адабиёти лингвомаданий алоқалари ривожининг умумий қонуниятларига нисбатан янгича қарашлар шаклланишида мустаҳкам пойдевор вазифасини ўташга хизмат қилган;

Шарқ ва Европа цивилизациялари ўртасидаги диалогнинг, шунингдек, рус романтизм адабиётининг ёрқин вакили А.С.Пушкиннинг романтизм услубидаги асарларини ўзбек тилига қилинган таржималарини лингвопоэтик таҳлилининг ўзига хос жиҳатларини очиб беришга оид хулосалардан ОТ-Ф1-69 “Санкт-Петербург қўлёзмалар институти ва ТДШИ ҳузуридаги Шарқ қўлёзмалар марказида сақланаётган Хоразм адабий манбаларининг комплекс тадқиқи” мавзусидаги фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 25 февралдаги 89-03-801-сон маълумотномаси). Натижада, А.С.Пушкин романтик поэмаларини ўзбекча таржималарининг лингвопоэтик таҳлили орқали тарихий шароит ва адабий ҳаётда маданиятлараро диалог масалаларини ёритишга маълум даражада хизмат қилган;

А.С.Пушкин романтик поэмалари (“Кавказ асири”, “Сув париси”, “Боқчасарой фонтани” асарлари, “Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак”, “Олтин хўроз ҳақида эртак” эртак-поэмалари) нинг Али Асқар Калинин, Усмон Носир, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Ҳамид Ғулом, Рамз Бобожон каби шоир-таржимонлар томонидан амалга оширилган таржималарининг лингвопоэтик таҳлили бўйича олинган хулосалар И-204-4-5 “Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш” номли инновацион тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 25 февралдаги 89-03-801-сон маълумотномаси). Натижада, лингвопоэтик таҳлил хулосалари “Таржимашуносликка кириш”,

“Таржима назарияси ва амалиёти”, “Бадиий таржима”, “Адабиётшунослик”, “Адабиёт назарияси” каби фанларнинг назарий ҳамда амалий масалаларини бойитишга асос бўлган;

аслият ва таржима матнларнинг тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик, лингвистик ва поэтик таҳлили бўйича олинган натижалар асосида Жиззах вилоят телерадиокомпаниясининг “Адабиёт дарси” маърифий-бадиий дастурини тайёрлашда фойдаланилган (Жиззах вилоят телерадиокомпаниясининг 06 январь 2020 йилдаги 01-08/14-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатув мазмун-мундарижасининг илмий-оммабоплиги таъминланган ҳамда янги манбалар билан бойитишга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро, 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси юзасидан жами 19 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 4 та республика илмий журналларида, 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 155 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предмети ва объекти аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Лингвопоэтик таҳлил ва шеърини таржиманинг назарий масалалари” деб аталган биринчи боби икки фаслдан иборат.

Бобнинг “Романтизм поэтикасининг асосий тамойиллари ва шеърини таржима муаммолари” деб номланган биринчи фаслида атоқли адабиётшуносларнинг рангтасвир ва поэзиянинг чегаралари, бу санъат турларида ўхшашлик, умумийлик билан бирга жиддий фарқлар борлиги, хусусан, сўз санъатининг рангтасвир ёки ҳайкалтарошликка нисбатан жуда бой имкониятларга эга эканлиги, фалсафий тафаккурнинг бадиий адабиётга таъсири ва бадиий адабиётнинг фалсафага таъсири, адабиётнинг инсон тафаккурини, яъни маънавиятини юксалтиришдаги роли тўғрисидаги фикрлари, буюк шоир ва ёзувчилар, маърифатпарварлар ўзларининг асарларидаги гуманистик ғоялари билан инсон озодлигини бўғувчи

золимларга қарши курашга даъват этганликлари, романтизм адабий йўналишининг асосчилари, рус адабиётида романтизм белгиларининг пайдо бўлиши, романтик асарлар ва классик асарларнинг хусусиятлари, бадий ва шеърӣ таржиманинг назарӣ масалалари кабилар ёритилган.

“Бадий таржиманинг лингвопоэтик таҳлилида талқин ва идрок муаммолари” деб номланган иккинчи фаслда “талқин – интерпретация” тушунчаларининг фарқи, таржимашуносларнинг таржима назарияси масалалари борасидаги фикрлари, ўтган асрнинг 20-60 йиллар орасида А.С.Пушкин асарларининг ўзбек тилига қилинган таржималари ва бу таржималарни талқин ва идрок этиш масалаларини назарӣ жиҳатдан ўрганилиши, таржима матннинг эстетик шаклланишида сўзнинг роли хусусида, бадий таржиманинг лингвопоэтик таҳлилида эътиборли жиҳатлар, А.С.Пушкин романтик поэмаларининг ўзбекча таржималарини лингвопоэтик таҳлилида аслият матнини идрок этиш ва таржимадаги талқин-интерпретацияларнинг назарӣ муаммолари ҳақида илмӣ маълумотлар келтирилган.

Ишнинг иккинчи боби “А.С.Пушкин асарлари ўзбек тилида” деб номланган бўлиб, у икки фаслдан иборат.

“А.С.Пушкин асарларининг илк таржималари: тарихий-қийсий таҳлил” деб номланган биринчи фаслда ХХ аср бошида Ўзбекистонда А.С.Пушкин шеърлари илк таржималарининг пайдо бўлиши, хусусан, “Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак” эртак-достонининг бир нечта таржима вариантлари мавжудлиги ва уларнинг лингвопоэтик таҳлили борасида фикр юритилади. “Туркистон вилояти газети”да эртак назмда муаллифи кўрсатилмасдан, Али Асқар Калиненнинг “Муаллимус-соний” хрестоматиясида эса насрда таржима қилиниб чоп этилган. Али Асқар уни “Балиқчи билан тилла балиқ ҳикояси” деб сарлавҳа қўйиб, куйидаги сўзларни муқаддима сифатида келтирган: “Ушбу ҳикояни Пушкин номлик Русияни улуғ ва мўътабар шоири шеър билан ёзмишдир. Аммо биз шеър билан таржима қилмоққа қодир бўлолмай, расмӣ тил билан таржима қилдук, Пушкин вафот бўлганига ушбу вақтларда бир юз санадин зиёд бўлибдур”.¹⁰

Пушкин эртак-достони аслиятда куйидаги сатрлар билан бошланади:

<i>Жил старик со своею старухой</i>	<i>Раз он в море закинул невод-</i>
<i>У самого синего моря;</i>	<i>Пришёл невод с одной тинной .</i>
<i>Они жили в ветхой землянке</i>	<i>Он в другой раз закинул невод, -</i>
<i>Ровно тридцать лет и три года,</i>	<i>Пришёл невод с травой морскою.</i>
<i>Старик ловил неводом рыбу,</i>	<i>В третий раз закинул он невод,-</i>
<i>Старуха пряла свою пряжу.</i>	<i>Пришёл невод с одною рыбкой,</i>
	<i>С не простою рыбкой,- золотою...¹¹</i>

Али Асқар Калиненнинг насрий таржимаси эса куйидагича:

“Бир камбағал чол кампир хотини билан кўк денгизнинг канорида бир ертўла уйда истиқомат қилар эрди. Чол тўр билан денгиздан балиқ тутар эрди ва хотуни чарх йигириб, калава қилар эрди. Шулар аҳволда булар мазкур ер

¹⁰ Хрестоматия (“Муаллимус-соний”), 1903, – 54 б.

¹¹ Пушкин А.С. Собрание сочинений в одном томе. / Сост. А.А.Саакянц. – М.: Худож. лит., 1984. – 291 с.

уйда микдор ўттиз уч сана умр кечирмишлар эрди. Бир куни мазкур чол тўрини олиб бориб денгизга солди, тўри фақат балчиқ олиб чиқди. Яна ташлади, денгиз тагида ўсадурғон ўтлар чиқди. Учинчи маротаба ташлаб эрдики, биргина балиқ чиқди, аммо ул балиқ расмий балиқлардан эмас, таажжуб ва ғайр муқаррар бир тилла балиқ эрди...”¹²

Таржимада учровчи китобий иборалар унинг услубини бузиб турса-да таржима мазмунан аслиятга жуда яқин жаранглайди.

Аслиятнинг қуйидаги икки мисраси:

Хоть бы взял ты с неё корыто

Наше-то совсем расколось...

“Туркистон вилояти газети”да чоп этилган илк назмий таржимада 14 мисра билан ўгирилган:

Айтдиким: - “Бул нечун балоҳатдур,

Халқаро тушмаган балодатдур.

Ўйламасму киши надир ҳоли,

Кимга қилмиш зиён жаҳон моли.

Гарчи шоҳ ўлса ҳам йиғар амвол,

Тарк қилмас хирожини бир сол.

Сан агар шоҳдин баланд ўлсанг,

Айб эмас қут учун агар сўрсанг.

Хонамиз ичра йўқ бир асбобим,

Бу чуқурда турарга йўқ тобим,

Бул куни бир хусус одатим,

Синди-ю ўртада дили чоким,

Жомашовдирки, ул керак бизга,

Сўрагайсан агарчи йўқ ўзга”.¹³

Эртақ-достоннинг ўтган асрнинг 20-йилларига қадар қилинган таржималарини кейинги даврда қилинган таржималарга таққослаганимизда улар ўртасида жуда катта фарқни кўришимиз мумкин:

Ўтган чоқда денгиз бўйида

Чол ва кампир умр сурипти,

Ертўлада эски уйида

Ўттиз уч йил бирга турипти.

Чол тўр солиб овларкан балиқ,

Кампир эса йиғирар урчуқ.

Чол денгизга тўр солса бир гал,

Бақа япроқ тушипти ёлғиз.

Тўр солганда чол иккинчи гал

Илинипти денгиз ўлани.

Тўр солганда чол учунчи гал,

Тўрга тушмиш бир митти балиқ,

*Жўн балиқмас, нақ олтин балиқ.*¹⁴

Хулоса қилиб айтганда, Пушкин эртагининг илк таржимаси ҳам, кейингилари ҳам, ҳатто Миртемир қаламига мансуб ушбу таржима ҳам – ўз даври учун муваффақиятли ва долзарб бўлган бўлса-да, бугунги кунда бу долзарблик муайян даражада тўлақонлиликни йўқотган. Чунки давр, замон ўзгариши билан тилнинг лексикаси, фонетикаси ва стилистикасида ҳам муайян эврилишлар пайдо бўлди.

Иккинчи бобнинг “А.С.Пушкин романтик поэмаларини ўзбек тилига таржима қилишда аслият талқини ва таржимон идроки” номли иккинчи фаслида таржимонларнинг Пушкин романтик поэмаларини ўгиришдаги ютуқ ва камчиликларига тўхталиб ўтилди. Шоирнинг “Кавказ асири” поэмаси 1821 йилда ёзилган бўлиб, унда илк бор Пушкин ижодида романтизм белгилари кузатилади. Поэманинг ўзбек тилига қилинган таржимаси Ҳамид Олимжон қаламига мансуб бўлиб, ёрқинлиги, индивидуаллиги ва фавқулодда

¹² Хрестоматия (“Муаллимус-соний”), 1903, – 54 б.

¹³ “Туркистон вилояти газети” 1899. 14 август. 31-сон.

¹⁴ Пушкин А.С. Танланган асарлар. 4 томлик, 2 том. – Тошкент: Ўздавнашр, 1954. – 320 б.

махорат ила таржима қилинганлиги билан ажралиб туради.

Пушкин илк сатрларданок ўқувчини воқеа гирдобига олиб киради. Тилнинг ғоятда равонлиги, жозибалилиги, гўзал ва тиниқ жумлаларнинг қўлланиши, умумистеъмолдаги сўзларнинг ўз ўрнида ишлатилиши билан поэманинг муқаддимасидаги ҳолат, яъни черкасларнинг ўз уйлари бўсағаларида давра қуриб суҳбатлашиб турган манзара ғоят аниқ гавдалантирилган. Ҳамид Олимжон таржимасининг илк мисралариёқ ўз услубиёти, пушкинча иборалари билан эътиборли:

*В ауле, на своих порогах,
Черкесы праздные сидят.
Сыны Кавказа говорят
О бранных, гибельных тревогах,
О красоте своих коней,
О наслажденьях дикой неги;
Вспоминают прежних дней
Неотразимые набеги,
Обманы хитрых узденей,
Удары шашек их жестоких,
И меткость неизбежных стрел,
И пепел разоренных сел...*¹⁵

*Давра қуриб бўсағаларда,
Лақиллашар бир талай черкас,
Кавказнинг эр ўғилларига
Бўлмиш эди бу кун мавзу баҳс:
Жанглардаги таҳлика, завго,
Арғумоқ от, ҳаёт ва жўшқин
Ҳирс кечирган шират ва савдо,
Мозийдаги даҳшатли босқин
Қишлоқларки, талонда буткул
Яксон бўлган, ёниб бўлган кул,
Алдов билан кун кўрган виждон,
Жинояткор маккор улуғлар,
Қиличидан тирқираган қон...*¹⁶

Мазкур таржима оддий, қисқа ва ҳайратланарли даражада аниқ, эркин ва табиий, лўнда ва изоҳларсиз жаранглаши билан диққатга сазовор. Мутаржим сўзма-сўз таржимадан йироқ, дастлабки икки мисрани олайлик, «*В ауле, на своих порогах, Черкесы праздные сидят*» жумлаларини ўқиган ўқувчи кўз олдига уйлариининг бўсағаларида ўтиришиб суҳбатлашиб турган черкаслар келади. Ҳамид Олимжон бу мисраларни “*Давра қуриб бўсағаларда, Лақиллашар бир талай черкас*” тарзида ўгириб, она тилининг имконияти кенглигини кўрсата олган. Аслиятдаги «*праздные сидят*» жумласи “*лақиллашар*” деб берилганки, рус тилининг изоҳли луғатида «*праздний*»¹⁷ сўзи бекорчи, беҳуда вақт ўтказувчи маъносини англатади, яъни “*лақиллашар*” сўзи аслият руҳиятига мос, бутун манзарадаги маъно табиий ифодаланган.

“Кавказ асири” поэмасининг қаҳрамони, эркидан айрилган рус кишиси, шоирнинг ўзига руҳан яқин. У ҳам Пушкин каби Ватанидан йироқда, Русияга элтувчи йўлга термулади:

*...где пламенную младость
Он гордо начал без забот;
Где первую познал он радость,
Где много милого любил,
Где обнял грозное страданье,*

*Где бурной жизнью погубил
Надежду, радость и желанье
И лучших дней воспоминанье
В увядшем сердце заключил...*¹⁸

¹⁵ Пушкин А.С. Собрание сочинений в одном томе. / Сост. А.А.Саакянц. – М.: Худож. лит., 1984. – 159 с.

¹⁶ Пушкин А.С. Танланган асарлар. 4 томлик, 2 том. – Тошкент.: Ўздавнашр, 1954. – 101 б.

¹⁷ Ожегов С.И. Словарь русского языка. Ок. 57000 слов. – М.: Рус. яз., 1988. – 468 с.

¹⁸ Пушкин А.С. Собрание сочинений в одном томе. / Сост. А.А. Саакянц. – М.: Худож. лит., 1984. – 160 с.

Поэма қаҳрамони фалсафасини тушуниб етган таржимон ҳаётдан бахт ва қониқиш топмаган, аристократлар доирасидан чиққан кишининг мустақил образи хусусиятларини таржимада қайта тиклай олган:

<i>Шўх ёшлигин унда бахтиёр</i>	<i>Бутун истак, армон, шодликни</i>
<i>Ва беташивиш бошлаганди ул;</i>	<i>Саёқ турмуш этмишидир ҳалок.</i>
<i>У илк шодлик беролган диёр,</i>	<i>У хуш кунлар эсдаликларин</i>
<i>Унда севган бор назокатни,</i>	<i>Синиқ қалбга кўммишидир барин...</i> ¹⁹
<i>Изтиробдан кўкси бўлган чок,</i>	

Ўзбек шоири тушкунликка тушиб қалби сўнган қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини қай тарзда қайта ярата олди? Агар биринчи мисранинг бошланишини (“*Ҳамма битди*”, “*бари битди*” деб ўгирилганда муваффақиятли чиқарди) ҳисобга олмаганда, бутун банд аслиятга жуда яқин:

<i>Свершилось... целью упования</i>	<i>Ҳамма битди... Тутқун бенаво</i>
<i>Не зрит он в мире ничего.</i>	<i>Ҳеч томондан изламас паноҳ.</i>
<i>И вы, последние мечтанья,</i>	<i>Сўнг хаёллар, мана, ҳатто сиз,</i>
<i>И вы сокрылись от него.</i>	<i>Ҳатто сиз ҳам ташлаб кетдингиз.</i>
<i>Он раб. Склоняюсь главой на камень,</i>	<i>Қул энди ул, эрки кетган, хор,</i>
<i>Он ждет, чтоб с сумрачной зарей</i>	<i>Кўяр экан бошини тошга,</i>
<i>Погас печальной жизни пламень,</i>	<i>Ғамгин ҳаёт ажалига зор,</i>
<i>И жаждет сени гробовой...</i> ²⁰	<i>Кўзни тикар кечки қуёшга,</i>
	<i>Мозор кўлкасига интизор...</i> ²¹

Асирнинг соҳибжамол черкас қиз билан учрашувини Ҳамид Олимжон ғоят романтик тасвирлашга муваффақ бўлган. Бу ерда у шоир сифатида поэтик рангларнинг юқори нуқталарини эгаллай олганига амин бўламиз:

<i>Вдали сверкает горный ключ,</i>	<i>Қоялардан учиб олисда</i>
<i>Сбегая с каменной стремнины;</i>	<i>Ярқирарди жўшқин шаршара,</i>
<i>Оделись пеленою туч</i>	<i>Мудроқ чўққилар ҳам бир тусда</i>
<i>Кавказа спящие вершины...</i>	<i>Ёпинмишиди булутдан парда...</i>
<i>Но кто, в сиянии луны,</i>	<i>Лекин кимдир бу ойдинликда,</i>
<i>Среди глубокой тишины</i>	<i>Шунча қалин, жонсиз тинликда</i>
<i>Идет, украдкою ступая?</i>	<i>Қадам ташлар оҳиста, ёлғиз?</i>
<i>Очнулся русский. Перед ним,</i>	<i>Зийракланиб кўз очса тутқун</i>
<i>С приветом нежным и немым,</i>	<i>Қаришида юз берди шу ҳол:</i>
<i>Стоит черкешенка младая.</i>	<i>Таъзим қилиб, кулимсираб лол</i>
<i>На деву молча смотрит он</i>	<i>Турар эди гўзал черкас қиз.</i>
<i>И мыслит: это лживый сон ...</i> ²²	<i>Тутқун тилсиз, қизга қарайди,</i>
	<i>Алдамчи бир туш деб ўйлайди ...</i> ²³

Ишнинг иккинчи боби юзасидан қуйидагича хулоса қилиш мумкин: буюк рус шоири А.С.Пушкин асарларининг ўзбек тилига қилинган илк таржималари жараёнида ўзбек таржимонлари ўз уринишларида ўзга тилдаги

¹⁹ Пушкин А.С. Танланган асарлар. 4 томлик, 2 том. – Тошкент: Ўздавнашр, 1954. – 103 б.

²⁰ Пушкин А.С. Собрание сочинений в одном томе. / Сост. А.А.Саакянц. – М.: Худож. лит., 1984. – 160 с.

²¹ Пушкин А.С. Танланган асарлар. 4 томлик, 2 том. – Тошкент: Ўздавнашр, 1954. – 104 б.

²² Пушкин А.С. Собрание сочинений в одном томе. / Сост. А.А.Саакянц. – М.: Худож. лит., 1984. – 160 с.

²³ Пушкин А.С. Танланган асарлар. 4 томлик, 2 том, . – Тошкент: Ўздавнашр, 1954. – 104 б.

буюк асарлар матнининг лингвопоэтикасига кириб бориш учун турли бадий усуллардан фойдаланишган. Улар шеърий матнни насрий баён, эркин таржима орқали, ҳамиша ҳам тўлиқ ва мукаммал бўлмаса-да, шарҳ ва изоҳлар билан амалга оширишган. Улар маълум даражада оммалашган, миллий адабиётимиз тарихида, айниқса, таржимашунослик борасида ўзига хос аҳамият касб этувчи адабий-бадий ҳодисалар сифатида тарихдан жой олган.

Ўзбек таржимони Ҳамид Олимжон буюк Пушкиннинг “Кавказ асири” поэмаси таржимасида муайян муваффақиятларга эришиб, матн энергетикасини – кувватини қайта ярата олади. Бироқ, поэма матни учун ўта муҳим бўлган ўринларда, таржимон эркин ёндашади, баъзи муҳим поэтик эпитетларни тушириб қолдиради, черкас халқи кўшиқлари таржимасини маромига етказа олмайди. Афсуски, поэманинг лингвопоэтикасига дахлдор илмий тадқиқотлардан мутаржим хабардор бўлмаганлиги табиий. Шу сабабли “Кавказ асири” поэмасининг таржимасини ўз даври учун улкан ютуқ сифатида эътироф этган ҳолда, унинг янги вариантини яратиш эҳтиёжи мавжудлигини таъкидламоғимиз жоиз.

Тадқиқотнинг учинчи боби “А.С.Пушкин романтик поэмалари таржимасининг лингвопоэтик таҳлили масаласи” деб номланган бўлиб, у икки фаслдан иборат.

“А.С.Пушкин “Сув париси” драматик поэмаси таржимасининг лингвопоэтик таҳлили” деб номланган биринчи фаслда асар таржимасини лингвопоэтик жиҳатдан таҳлил этишга ҳаракат қилинди.

Пушкиннинг “Сув париси” поэмасининг поэтик таржимаси ҳам Ҳамид Олимжон томонидан амалга оширилган. Моҳиятига кўра “Сув париси”ни драматик поэма деб аташ мумкин. Бу асар аввало ишқий драманинг романтик-реалистик талқини эканлиги билан ўзига ром этади. Драмаларда поэмалардаги каби биринчи ўринда эпик баён усули назарда тутилмайди, балки сюжетнинг динамик ўсиб боришига имкон туғдирувчи диалогларга жиддий, жуда муҳим вазифа, маънолар юклатилади. Драматик дostonнинг тарихи ва назарияси, унинг ўзига хос хусусиятлари профессор Ш.Ҳасановнинг “Ўзбек драматик достони” мавзуидаги филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзган диссертациясида атрофлича илмий тадқиқ этилган.²⁴

Тегирмончининг сўзларида ҳаётий ҳақиқатлар берилади. У ожиза қизларнинг оғир қисмати, ўзларининг хурмати-ю кадр-қимматини қандай сақлаб қолишлари тўғрисида гапиради. Тегирмончи чол ота сифатида оддий инсоний бахтга ҳаттоки умид қилмайди. Камбағаллик юки уни эзади ва бунинг устига у қизининг эрта бадном бўлишига дучор бўлган. Аммо, у ҳам ота – барибир қизини фалокатдан қўриқлайди.

Моҳир таржимон Ҳамид Олимжон ҳам Пушкин изидан бориб, “Сув париси” драмаси сюжетига эътибор бериб мисралардаги жозибадорликни бир қадар сақлайди. Драманинг нафосати, жозибадорлиги сайқалланган

²⁴ Ҳасанов Ш.А. Ўзбек драматик достони. Филол.фанлари номзоди ... дисс. Автореферати. – Самарқанд: 1995. – 21 б.

шеърларга эмас, балки унда ишқий драманинг қойилмақом баён этилганига, асарнинг бутун драматик асосига муҳрланган. Аслиятдаги каби таржимада ҳам ўқувчини мисралар эмас, балки ўткир драматик мазмун ўзига ром этади. Аслиятда қофия бўлмагани каби Ҳамид Олимжон ҳам драманинг бошланишини қофиясиз, деярли насрий усулда ўгириб, Пушкин услубини илғай олганлигини намоён этади. Лекин, шу билан бирга “Сув париси” драмасининг нозик маъно оҳангларининг таржимасида бир қанча хатоликлар мавжуд. Бу айниқса асарнинг илк мисраларида сезилади. Тегирмончи таржима матнида ҳам оталарга хос насиҳат қилади:

*Ох, то-то все вы, девки молодые,
Все глупы вы. Уж если подвернулся
К вам человек завидный, не простой,
Так должно вам его себе упрочить.
А чем? разумным, честным
поведеньем;
Заманивать то строгостью, то
лаской;
Порою исподволь обиняком
О свадьбе заговаривать, – а пуще
Беречь свою девическую честь –
есценное сокровище; она –
Что слово – раз упустишь, не
воротишь.²⁵*

*– Шундай, шундай сизлар, навжувон
қизлар,
Ҳаммангиз, – ҳаммангиз ахмоқсиз.
Ахир,
Модомики, тузук, бадавлат одам
Кўнгил қўяр экан, сиз этагидан
Маҳкам тутинг; қайси йўллар
биланми?
Ақл билан, одоб билан, албатта,
Баъзан қаттиқ туриб, баъзан
эркалаб,
Уни йўлга солмоқ даркор. Ва баъзан
Тўйдан ҳам гап очиб қўймоқлик лозим.
Лекин, энг муҳими – номусингизни,
Бебаҳо гавҳарни сақланг беғубор.
Номус деган нарса – бу бир калима,
Оғиздан чиқдим, қайтиб кирмайди.²⁶*

Муаллиф “Ох” ундов сўзи орқали тегирмончининг қизи тўғрисидаги, умуман бўй қизлар тақдири ҳақидаги қайғуриш, ачиниш, хавотирланиш ҳисларини ифодалаган. Таржимада ундов сўзнинг тушириб қолдирилиши оқибатида тегирмончи жигарбандининг тақдири тўғрисида қайғураётганлигини ифодаловчи таъсирчанлик биров сусайган. Ваҳоланки, ундов сўзлар сўзловчининг ҳис-ҳаяжонини, буйруқ-истагини билдиради. Улар ифодаладиган маъно гапнинг умумий мазмунига боғлиқ бўлади. Аммо, мазкур парча яхлит ҳолда олинадиган бўлса, отанинг қайғуриши таржимада халқона оҳангда қайта тикланганлигининг гувоҳи бўламиз. Бадиий таржиманинг илллати ҳисобланмиш сўз ортидан қувиш ҳолати мавжуд эмас. Мутаржим таржимага эркин ёндашиб, аслият руҳиятини сақлаб қола олган. Кейинги мисраларда ҳам таржимоннинг сўзларида табиийликни кузатишимиз мумкин. Мана тегирмончининг қизи ҳақида қайғуриши ўзбек тилида қандай жаранглайди:

²⁵ Пушкин А.С. Собрание сочинений в одном томе. / Сост. А.А.Саакянц. – М.: Худож. лит., 1984. – 349 с.

²⁶ Ҳамид Олимжон. Асарлар мажмуаси. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Учинчи том, 1971. – 247 б.

Аслиятда:

*Вам помышлять о добром
деле!кстати ль?
Вы тотчас одуреете; вы рады
Исполнить даром прихоти его;
Готовы целый день висеть на шее
У милого дружка, – а милый друг
Глядь и пропал, и след простыл; а
вы Остались ни с чем. Ох, все вы
глупы!
Не говорил ли я тебе сто раз:
Эй, дочь, смотри; не будь такая
дура, Не прозевай ты счастья
своего...*²⁷

Таржимада:

*Сиздан ҳам тузукроқ ўй чиқармикан?
Йўқ. Дарҳол идрокни йўқотасиз-у,
Унинг барча истак-хоҳишларини
Текин ижро қилиш сизга гўё бахт.
Барингиз узун кун севимли дўстнинг
Бўйнига чирмашиб ётмоққа ҳозир.
Лекин, қарабсизки, севимли дўстдан
Асар ҳам қолмабди, оти ўчибди;
Сиз бўлса сўппайиб, ҳеч бир нарсасиз
Қолаверибсизлар, эҳ, эси наслар!..
Қизим, ахмоқ бўлма, кўзингга қара,
Бой бериб қўймагин яна
бахтингни...*²⁸

Драма қахрамонларига айрилиқ таҳдид солади. Бу нафақат таҳдид; бу унинг ижроси, амалга ошиши. Аммо, ожиза қиз очикқўнгил, ишқий романларни ўқимаган ва севилмаган оддий кишлоқ қизи, у бундай оғир фалокатни ақлига сиғдира олмайди. Шунинг учун у бундан ҳам даҳшатлироғини кутмайди, унинг шўрлик қалбида умид учқунлари ҳали ўчмаган. Таржимон бу мисраларни шундай ўгиради:

*Кто нас разлучит? разве за тобою
Идти вослед я всюду не властна?
Я мальчиком оденусь. Верно буду
Тебе служить, дорогою, в походе
Иль на войне – войны я не боюсь –
Лишь видела б тебя. Нет, нет, не
верю.
Иль выведать мои ты мысли хочешь,
Или со мной пустую шутку
шутить?*²⁹

*Ким ажратар экан? Нима, мен сенинг
Изингдан боришга ожизмиканман?
Худди ўгил бола янглиз кийиниб,
Орқангдан кетарман ва доим сенга
Хизматда бўларман сафарда, жангда;
Урушдан қўрқмайман. – Сени кўрсам,
бас.
Йўқ, йўқ, ишонмайман! Эҳтимол, мени
Синамоқчидирсан ва ёки бирор
Беҳуда бир ҳазил маъқул тушгандир.*³⁰

“Худди”, “янглиз”, “бирор”, “бир” каби кераксиз такрорланишлар ва майда камчиликларни хатога йўйиш арзимади. Умуман олганда ожиза қиз сўзларининг таржимаси аслият маъноси ҳамда поэтикаси руҳиятини акс эттиради. Айниқса аслиятнинг битта мисрасига мос келадиган “синамоқчидирсан” сўзи жуда тўғри танланган.

Барбод бўлган бахтни ҳамда ожиза қизнинг фожиали ҳалок бўлганини кўрган князнинг сўзларида чуқур ғам-алам, қайғу-ҳасрат аломатлари уфуриб турибди:

²⁷ Пушкин А.С. Собрание сочинений в одном томе. / Сост. А.А.Саакянц. – М.: Худож. лит., 1984. – 349 с.

²⁸ Ҳамид Олимжон. Асарлар мажмуаси. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Учинчи том, 1971. – 247 б.

²⁹ Пушкин А.С. Собрание сочинений в одном томе. / Сост. А.А.Саакянц. – М.: Худож. лит., 1984. – 350 с.

³⁰ Ҳамид Олимжон. Асарлар мажмуаси. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Учинчи том, 1971. – 253 б.

*Знакомые, печальные места!
Я узнаю окрестные предметы –
Вот мельница! Она уж развалилась;
Весёлый шум её колёс умолкнул;
Стал жернов – видно, умер и старик.
Дочь бедную оплакал он недолго.*

*Тропинка тут вилась – она заглохла,
Давно-давно сюда никто не ходит;
Тут садик был с забором – неужели
Разросся он кудрявой этой роцей?
Ах, вот и дуб заветный, здесь она,
Обняв меня, поникла и умолкла...³¹*

Хаёт хақида ғамгин ўйларни ўзида мужассам этган бу мудҳиш романтик ҳолатни таржимон қай даражада тиклай олди?

*Қайгулар қуришган ошино ерлар:
Буларнинг ҳаммаси менга танишдир;
Мана ўша эски таниш тегирмон!
Индан чиқиб тамом бўлибди вайрон;
Парракларда энди шовқин тинибди.
Тоши ҳам айланмай тўхтаб қолибди.
Қизининг дардига чидаёлмасдан
Эҳтимол, бечора чол ҳам ўлгандир.*

*Ёлғиз сўқмоқ йўл бор эди, битипти,
Энди ҳеч ким ортиқ бу ерга келмас.
Наҳотки, манови қалин чакалак
Ўша четан қўра – кичик бог экан?
Мана у муқаддас эман оғочи,
У ана шу ерда мени қучоқлаб
Бошларини эгиб, жим қолган эди.³²*

Ўзбек шоири бу фожиавий ҳолатни тўғри идрок этиб, ҳар бир сўз ва мисрага эҳтиёткорона сидқидилдан ёндашиб, қаҳрамон қалбидаги саросимани таржимада аслиятга монанд яратишга муваффақ бўлган (таржимада тегирмон паррагининг “шўх шовқини” жумласи тушириб қолдирилганлигини ҳисобга олмаганда). Ҳақиқатан ҳам лиризмга йўғрилган эпизод таржимаси муваффақиятли чиққан, дейиш мумкин.

Учинчи бобнинг “А.С.Пушкин поэмалари таржимасининг лингвопоэтик таҳлилида таснифий белгилар (“Боқчасарой фонтани” ва “Олтин хўроз ҳақида эртақ” поэмаларининг таржимаси мисолида)” номли иккинчи фаслида шоир-таржимонлар Усмон Носир, Ҳамид Ғулом ва Рамз Бобожонларнинг таржималарида аслиятнинг лингвистик ҳамда поэтик жиҳатлари қиёсий-герменевтик таҳлил этилди.

“Боқчасарой фонтани” поэмаси дастлаб Усмон Носир, кейинчалик эса Ҳамид Ғулом томонидан ўзбек тилига ўгирилган. Мазкур таржималардан қай бири аслиятга яқинроқ?

“Боқчасарой фонтани”нинг аслият матни 579 мисрадан иборат, унинг қофия усули: а – б, а – б.

<i>Гирей сидел, потупя взор;</i>	<i>а</i>
<i>Янтарь в устах его дымился;</i>	<i>б</i>
<i>Безмолвно раболепный двор</i>	<i>а</i>
<i>Вкруг хана грозного теснился</i>	<i>б</i> ³³

Усмон Носир таржимасида поэма 665 мисрани ташкил қилади, Ҳамид Ғуломда эса 587 тани; биринчи таржимон 86 та, иккинчи таржимон эса 8 та ортиқча мисрага йўл қўйган. Бу мисралар ҳақиқатан ҳам ортиқчами? Бу ҳолатга жиддийроқ разм солсак қуйидаги кўриниш намоён бўлади.

³¹ Пушкин А.С. Собрание сочинений в одном томе. / Сост. А.А.Саакянц. – М.: Худож. лит., 1984. – 354 с.

